



«Тасдиқлайман»

Жиззах вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

Касимов К.Н.

2021 йил.

Жиззах вилоят статистика бошқармаси
«Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлар бўлими»нинг
НИЗОМИ

I Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Жиззах вилояти статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, «Давлат статистика тўғрисида»ги Қонун, Давлат статистика қўмитасининг буйруқ ва қарорларига, «Статистика бошқармаси тўғрисида»ги Низом ва жорий Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

6. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари бошқа таркибий бўлимлар ва туман(шаҳар) статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш йиллик Дастурига асосан вилоят бўйича ҳудудлар ва иқтисоёт тармоқлари кесимида йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

статистик кўрсаткичларни ҳаққонийлиги, ишончлилиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

тармоқ бўлимлари билан биргаликда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини бажарилиши юзасидан статистик кузатувларни ташкил этиш;

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, ўз-ўзини бошқариш органларини, юридик шахсларни, фуқаролар, ташкилотлар ва жамоатчиликни белгиланган тартибда статистик ахборотлар билан таъминлаш;

вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тавсифловчи статистик кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини, ишончлилигини, комплекслилигини ва тизимлилигини таъминлаш;

вилоятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

давлат статистика кузатувларини ташкил этиш ва методологияси, шунингдек расмий статистик маълумотлар билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат статистика соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилишини амалдаги қонунчилик асосида назоратини амалга ошириш;

статистика бошқармаси бўлимлари, шунингдек, туман(шаҳар)лар статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик, Давлат статистика қўмитаси кўрсатма ва топшириқларига риоя қилиниши борасида мониторингни таъминлаш;

статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва туман(шаҳар)лар статистика бўлимлари томонидан Статистика ишлари ишлаб чиқариш Дастурининг ўз вақтида бажарилиши бўйича мониторинг ўтказиш;

худуд миқёсида бирламчи статистик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш бўйича статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва туман(шаҳар) статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вилоят бўйича, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичларни ҳаққонийлиги, ишончлилиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Статистика ишлари ишлаб чиқариш Дастурининг бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини, статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарликни қўллаш бўйича мониторингни амалга оширади ва унинг натижалари бўйича ҳар ойда статистика бошқармаси раҳбарига ва Давлат статистика қўмитасига ахборот тақдим этади;

йиғма статистик ахборотларни чиқариш учун тармоқ бўлимлари учун жадвал ва матнли материаллар нусхаларини ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви органлари учун статистик ахборот ва маълумот материалларини тайёрлаш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

«Худуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари» тўғрисида ҳар чораклик маъруза, худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида бошқа ахборот-статистик маълумотлар, нашр ва тўпламлар чоп этиш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

худудий статистика бўлимлари томонидан меъёрий ва ҳукукий ҳужжатларга амал қилиниши бўйича ҳар ойда мониторингни амалга оширади;

давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка асосан маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш

бўйича белгиланган тартибда таклиф киритади;

туман(шаҳар) статистика бўлимлари ходимлари томонидан маъмурий жавобгарлик бўйича меъёрий ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини тўғрилигини бошқарма юрисконсулти томонидан экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

туман(шаҳар) статистика бўлимларида статистик маълумотларга ўзгартиришлар киритиш бўйича статистика органлари кўрсатмаларининг бажарилиши ва қулланилган жарима маблағларининг ўз вақтида ундирилишини таъминлаш бўйича мониторингни амалга оширади;

статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича туман(шаҳар) статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

статистика масалалари бўйича семинар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро, ишда қатнашади ва ўтказади;

бўлимда статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

бўлимга юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимларидан белгиланган тартибда Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

статистика фаолиятини ташкил этиш бўйича бошқарма раҳбариятига таклиф киритиш;

тайёрланган статистик ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва тақдим этиш муддатларига риоя қилинишини туман(шаҳар) статистика бўлимлари ва бошқарма бўлимларидан талаб этиш;

бошқарма бўлимлари ва туман(шаҳар) статистика бўлимлари билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;

бошқарма бўлимлари билан қўйилган вазифалар, келиб тушадиган ҳужжатлар назорати ва ишда тажриба алмашиш бўйича конструктив йиғилишлар ўтказиш;

давлат статистика ҳисоботларини йиғиш, қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва тўлиқлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

10. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Ягона илмий статистика методологиясига асосан статистик ахборотларни сифатини ошириш ва тартибга солиш;

ўз ваколат доирасига кирувчи статистик, таҳлилий ва бошқа материалларни савияси;

ҳисоботларни ҳаққонийлиги юзасидан амалдаги назорат тизимини таъминлаш,

аникланган хато ва камчиликларни субъектлар томонидан уз вақтида бартараф этилиши, маъмурий амалиётни кулланилишида амалдаги конунчилик меъёрларига риоя қилиниши;

бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материаллар бўйича Давлат ва тижорат сирлари сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

IV Бўлим фаолиятини ташкил этиш

11. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни, ушбу Низом, давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари билан келишилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

12. Бўлимга бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлик рахбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

бўлимнинг барча фаолиятини бошқаради ва бўлим ходимларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

бўлим ишининг самарадорлигини ва уни кадрлар билан тўлдириш чоралар кўради;

бошқарма бошлиғи билан биргаликда бўлим ишларини такомиллаштириш, давлат статистика ишлари дастури, давлат статистика ишларини ишлаб чиқаришдастурини шакллантириш бўйича таклифларини ишлаб чиқади;

бўлим ишига тааллуқли булган қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини инobatга олади ва ўзи бажараётган иши, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилиши тўғрисида жамоани хабардор қилади.

ходимлар бўлими билан биргаликда бўлимни ходимлар билан тўлдириш чораларини кўради;

бўлим ходимлари билан куйилган вазифалар, келиб тушадиган ҳужжатлар назорати ва ишда тажриба алмашиш бўйича инструктор йиғилишлар ўтказиши;

иш юритиш ишларини олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкиллаштиради, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий амал қилинишини таъминлайди;

ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материаллар бўйича Давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

13. Бўлим бошлиғи қуйидаги ваколатларга эга:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва бошқарма бошлиғига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

ходимларни юқори ва бошқа лавозимларга ўтказиш борасида таклифлар киритиш, зарур ҳолларда уларга жазо чоралари қўллаш тўғрисида бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

бошқарма бошлиғига бўлимнинг малакали ходимлари бўйича уларнинг меҳнатда эришган ютуқлари ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган топшириқларни бажаргани учун лавозим ойлик маошларига шахсий устамаларни белгилаш, шунингдек аввал белгиланган

устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

бўлим ишини ташкил этишни, иш услуби ва усулини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

бошқарма раҳбарияти томонидан ўтказиладиган Кенгаш мажлислари ва йиғилишларда иштирок этиш;

бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда статистика бошқармаси номидан қатнашиш;

бўлимга келиб тушаётган ва ундан чиқаётган материаллар бўйича Давлат ва тижорат сирларини сақлашни таъминлаш.